

**ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАНҚИДИЙ  
РИВОЖЛАНТИРУВЧИ СТРАТЕГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА  
УЛАРНИНГ ИМҚОНИЯТЛАРИ**

*Бухоро давлат университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси*

**Ниёзова Ирода**

*Бухоро Давлат Университети*

**Азимов Абдурахмон**

*3-1 ИҚТКТ-20 гуруҳ, 4-курс талаба*

Таълим жараёнида ўқиладиган назарий машғулотлар ўқувчиларни назарий билимлар билан таъминлайди. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бўлажак кадрларни касбий шаклланишига хизмат қилувчи назарий машғулотларни олиб борувчи фан ўқитувчисининг педагогик маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасаларида назарий дарс машғулотларни олиб бориш учун талабаларнинг назарий билимларига мурожаат қилишнинг баъзи йўллари белгиланган. Назарий таълим беришнинг кенг тарқалган, аммо кам самарали усули машғулот режасида белгиланган ишларни бажаришда асосланиладиган маълум тушунчалар ва қоидаларни оғзаки баён этишдир.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини бир ёки бир неча кўрсаткич билан таърифлаб бўлмайди. Машғулотдаги ўқитувчининг педагогик маҳорати ўқиладиган назарий дарс билан белгиланади. Назарий таълим бериш жараёнида ўқитувчи ўқиладиган материални назарий жихатдан тушунтириб беради ва мавзуга мос ўқитишнинг техник воситалари кенг фойдаланади. Назарий машғулотда ўқувчилар материални чуқурроқ ўзлаштиришлари учун техник воситалар кенг имқониятлар яратиши билан бирга таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширади. Дарс машғулотнинг жозибалиги ва кўرғазмали ташкил этилиши кўп жихатдан ўқитувчининг машғулот давомида мавзуга тааллуқли рангли плакатлар, диапозитивлар, жадвал ва диаграммалар тасвирланган транспарантлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бу жараён ўқувчиларнинг материални яхши идрок қилиш даражасини ошириб, машғулотни мазмунан бойитади.

Ўқиладиган фан материаллари ўқув дастурига мувофиқ оғзаки, кўрғазмали воситалар ёрдамида баён қилинади, тушунтирилади ва ўқувчилар онгида мавзу юзасидан тасаввур ва тушунчалар шакллантирилади. Назарий таълим дарсларини мавзу мазмунидан келиб



чиқиб, замонавий техник воситалар, электрон дарслик ва педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу таълим сифатини яхшилаб ва ўқувчилар мавзуни қабул қилувчанлигини оширади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга ўтказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчиларга фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда педагогик технологиялар ҳам дарсда ўқувчи (талаба)лар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади. Таълимнинг замонавий технологияларидан ҳисобланган, ҳали педагогик амалиёт учун нотаниш бўлган чет эл дидактикасига оид методлар машғулотлар жараёнига киритилмоқда. Улар ёрдамида ўқувчилар ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ - ҳуқуқларини англаб этиш каби имкониятларга тез эга бўладилар.

Дарс ўтишда энг кўп қўлланиладиган методлардан бири дарсни талабалар диққати, фикрини жамловчи, қўйилган мақсадни амалга оширишга қаратилган саволлар асосида олиб боришдир. Иқтисодий фанлар бўйича семинар дарсларида атрофлича суҳбат ёки аниқ мақсадга йўналтирилган савол жавоб асосида дарс ўтиш кенг қўлланилади. Танқидий фикрлаш савол қўйишдан бошланади, муаммо саволлар орқали ечилади. Шунинг учун дарс жараёнида савол орқали талабаларда ўз фикрини асослаш кўникмасини ҳосил қилиш катта аҳамиятга эга. Ўқув режаси бўйича савол жавоблар ёрдамида талабалар ўқув жараёнига жалб этилади. Шу йўл билан талабаларда фикр–мулоҳаза юритиш, ўз фикрини изоҳлашга иштиёқ уйғотилади. Чунки, талабалар бир томондан саволларга жавоб беришади, иккинчи томондан эса, ўзлари савол бериш имкониятига эга бўладилар.

Таълим бериш ва ўқитиш, ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги суҳбат тарзида ҳам кечади. Саволни тўғри беришнинг ўзи фикрлай билишдан далолат беради. Шунинг учун дарсда фақатгина ўқитувчи эмас, балки талабалар ҳам бирбирларига савол билан мурожаат қилишлари,



айниқса, кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтганда ўзаро фикрлашиш муҳим аҳамият касб этади. Агар талаба савол беришни ўрганмаса, ўзининг билими саёзлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Биз савол тузиб, унда ўз фикримизни ифодалашимиз тўғрисида бошқаларни ҳам ўйлашга, ўрганишга ундаймиз. Ўқитувчининг саволи талабаларни фанни ўрганишда бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айнан саволлар, уларнинг моҳияти ва вазиятга кўра қўллаш, талабаларни таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириши мумкин. Ўқитувчи талабаларда шундай қизиқиш уйғотиши керакки, унинг раҳбарлигида ўқув материали бутун гуруҳ томонидан биргаликда ўрганилиши, муҳокама қилиниши, ишлаб чиқилиши керак. Дарс муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи томонидан аудиторияда ижобий атмосфера яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир талаба ўз фикрини, туғилган саволларни бемалол айта олиши ҳамда дарсда қўйилган мақсадга эришиш учун фаол қатнашиши керак. Ўқитувчи эса саволлар ёрдамида бутун гуруҳга бир хилда таъсир қилишга, қўйилган саволларга, муаммоларга ҳеч бўлмаганда қониқарли жавоб олишга ҳаракат қилиши керак. Чунки ўқитувчи талабанинг ҳар қандай саволига жавоб беришга тайёр бўлиши керак. Ўқитувчи дарс жараёнида нафақат талаба билан ҳамкорликка тайёр туриши, балки ҳамкорлик қилиши керак. Шундагина дарс беришдан қўйилган мақсадга изчиллик билан эришилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdulloev, A. (2023). Methodological foundations for evaluating the efficiency of agrocluster management. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 42(42).

2. Abdulloev, A. (2023). АГРОКЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ “БАЗАВИЙ” МОДЕЛИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 42(42).

3. Junaydulloyevich, A. A., & Rasulovna, K. N. (2021). Price Formation in Marketing: A Tool for Price Formation and Change. Academicia Globe, 2(6), 142-146.

4. Таирова, М. М., & Дустова, А. К. (2020). Роль гостиничных сетей в индустрии туризма. In Прорывные научные исследования: проблемы, закономерности, перспективы (pp. 57-59).



5. Gafurova, S. K. (2023). Quality Management In Education: A Systematic Approach. *Educational Research In Universal Sciences*, 2(17 SPECIAL), 126-129.

6. Niyozova, I. (2021). The Transition to the Green Economy and the Importance of Strategy. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 8(8).

7. Niyozovna, N. I. (2023). Ways to Increase the Competitiveness of Enterprises through Digital Marketing Strategies. *European journal of business startups and open society*, 3(12), 154-157.

8. Таирова, М. М., & Гиязова, Н. Б. (2016). Поддержка предпринимательской деятельности в Узбекистане. *International scientific review*, (2 (12)), 105-107.

9. Таирова, М. М., & Кодирова, Н. Р. К. (2020). Инновация-концептуальная основа модернизации. *Наука и образование сегодня*, (2 (49)), 35-36.

10. Qayimova, Z. (2023). Ways to Develop Economic Infrastructure in Uzbekistan. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 27(27).

11. Kadirovna, S. N. (2024). Importance of Foreign Experience for Uzbekistan in the Transition to a Green Economy. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 4(4), 48-51.

12. Giyazova, N. (2023). The share of world countries in the textile industry and the importance of marketing in its development. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 27(27).

13. Niyozova, I. (2023). The Reforms Implemented In The Higher Education System Of The Republic Of Uzbekistan And Their Achievement Of Financial Independence. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 38(38).

14. Таирова, М. М., & Гиязова, Н. Б. (2016). Поддержка предпринимательской деятельности в Узбекистане. *International scientific review*, (2 (12)), 105-107.

15. Таирова, М. М., & Кодирова, Н. Р. К. (2020). Инновация-концептуальная основа модернизации. *Наука и образование сегодня*, (2 (49)), 35-36.

16. Таирова, М. М., Абдуллаев, А. Ж., & Гиязова, Н. Б. (2016). Особенности маркетинга в агропромышленном комплексе. In *Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования* (pp. 3871-3873).



17. Niyozova, I. (2021). Mechanism of Implementation of Mandatory Health Insurance in Uzbekistan under Conditions of Increasing Integration Processes. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 7(7).

18. Odinayeva, N. F., Bakayeva, M. A., & Giyazov, B. B. (2022). Intellectuals with Higher Education in the Economy and Ways to Increase their Competitiveness. *Miasto Przyszłości*, 84-86.

20. Navruz-Zoda, L. B., & Navruz-Zoda, Z. B. (2020). Improvement Of Social Prestige Of Entrepreneurial Companies In Bukhara Region. *Academy*, (3), 37-39.

21. Usmanova, A. B. (2022). Sport Tourism As A Sport And Form Of Activity. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 2(1), 212-214.

22. Усманова, А. (2022). The Current State And Analysis Of The Tourist Potential Of The Bukhara Region. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 15(15).

23. Rakhmatullaeva, F. M., & Aminova, N. B. (2022). Methodological Approaches To The Development Of Ecological Tourism Logistics. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 2(1), 207-211. 22. Dustova, A. (2022). Stimulating The Economic Growth Of Territories Through The Development Of Regional Tourism. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 12(12).

24. Xasanova, S. (2023). Analysis of the Work Carried Out in Uzbekistan and the World to Prevent Tax Violations. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 3(12), 47-50.

25. Хаирова, Д. Р., & Сайфуллаева, М. И. (2021). Тенденции развития цементной индустрии в Узбекистане. *Бюллетень науки и практики*, 7(6), 358-362.

26. Сайфуллаева, М. (2023). РАЗВИТИЕ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ КАК ФАКТОР СТАБИЛЬНОГО РОСТА. *Nashrlar*, 368-371.

27. Qayimova, Z. (2023). Theoretical Aspects of the Development of the Socio-Economic Infrastructure of the Country. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 27(27).

